*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 107 (7497). ● 3 июнь, 1981 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

## ХУРМАТ ТАХТАСИ

**Давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.**

**КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА:**

**«Назарбек» совхози** (директори Х. Қорахўжаев, партия ташкилоти секретари Р. Исамуҳамедов, ишчилар комитети раиси Т. Жабборов, комсомол комитети секретари С. Муҳамедов, пиллачилик агрономи Р. Аҳмедов).

**Гагарин номли совхоз** (директори Ш. Хўжаев, партия ташкилотининг секретари Д. Кенжабеков, ишчилар комитети раиси Т. Исоқов, комсомол комитети секретари Х. Мавлонова, пиллачилик агрономи С. Абдураҳмонова).

**«Москва» совхози** (директори Р. Каримов, партия ташкилоти секретари С. Ибрагимов, ишчилар комитети раиси Т. Тўрабоев, комсомол комитети секретари А. Айрилмасов, пиллачилик агрономи З. Мирзаев).

**ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**

**К. Маркс номли колхоз** (раиси Ғ. Абдуллаев, партия ташкилоти секретари И. Мунировв, касаба союз комитети раиси Р. Усмонов, комсомол комитети секретари Ш. Асқарова, пиллачилик агротехниги Б. Раҳимов).

**ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**

**«Октябрь» колхози** (раиси Н. Маҳкамов, партия ташкилоти секретари С. Абдуллаев, касаба союз комитети раиси У. Ғойипов, комсомол комитети секретари А. Расулматов, пиллачилик агротехниги Б. Аҳроров).

**«Коммунист» колхози** (раиси М. Мирсоатов, партия ташкилоти секретари М. Тожиева, касаба союз комитети раиси А. Жуматоев, комсомол комитети секретари Д. Хожиева, пиллачилик агротехниги З. Файзиев).

**Мусамуҳамедов номли совхоз** (директори Н. Тожибоев, партия ташкилоти секретари И. Йўлдошев, ишчилар комитети раиси Х. Аҳмедов, комсомол комитети секретари Х. Аҳмедов, пиллачилик агрономи Х. Жўраева).

# КАДРЛАР — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

**КОММУНИСТИК жамият қураётган совет кишилари шу кунларда ўзгача бир вазнятда — КПСС XXVI съездн тарихий қарорларини, ўн биринчи беш йиллик режаларини тўла-тўкис амалга ошириш орзу-ниятлари билан яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Республикамиз, шу жумладан, пойтахт областимизнинг минг-минглаб меҳнаткашлари саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва социалистик маданиятимизни гуллаб-яшнатишда арзигулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар.**

**Ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришаётган муваффақиятларимиз жойларда жонбозлик билан хизмат қилаётган снёсий жиҳатдан етук, ақл-заковатли, серғайрат, ташаббускор, билимдон, тажрибали раҳбар кадрларимизнинг кўп қиррали фаолиятлари билан бевосита боғлиқдир. Улар орасида катталар ва ёшлар, коммунистлар ва комсомоллар, хотин-қизлар ва эркаклар бор. Омма орасида иш олиб бораётган етакчи кадрларимизнинг аксарияти ўз соҳасининг моҳир устаси, меҳнат ва садоқатда ўз ўртоқларининг меҳр-муҳаббатини, ишонч ва эътиборини қозонган кишилардир.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, шунингдек, Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумларида КПСС XXVI съездн қўйган талаблар асосида кадрлар билан ишлаш масаласи ҳар томонлама, чуқур, ишчанлик билан муҳокама қилинди. Мазкур пленумлар барча кадрларимизнинг амалга оширган ва ошираётган ишларини муносиб баҳолади, уларнинг кундалик фаолиятидаги айрим нуқсонларни кўрсатиб берди.**

**Область партия комитетининг пленумида таъкидланганидек, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласи областимиздаги барча партия ташкилотларининг ҳам энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотлари кадрларга тааллуқли ишларни планли равишда ҳал этиб, келмоқдалар, уларни тайёрлаш, тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтариш услуб ва методларини мунтазам такомиллаштирмоқдалар.**

**КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисоботида қайд этилганидек, кейинги йилларда жойларда раҳбар кадрларнинг сифат составини ва жой-жойига қўйилишини янада яхшилаш, уларнинг иқтисодий-снёсий, иқтисодий ва соцнал-маданий қурилш жараёнларига раҳбарлик қилишдаги малакаларини ошириш юзасидан бирмунча диққатга сазовор тадбирлар амалга оширилди. Натижада саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналари, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, фан ва маданият соҳалари кадрларининг состави юқори савияга кўтарилди.**

**Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларида эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда оммавий касб кадрларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш командирларининг ёш ўринбосарларини етиштириш, кадрларни ғоявий чиниқтириш, раҳбар ходимларнинг турғун резервларини вужудга келтириш ишларида ҳамон камчиликларга йўл қўйилмоқда.**

**Жойлардаги айрим партия ташкилотлари кадрлар билан ишлаш масаласи умумдавлат аҳамиятига молик эканлигини баъзан унутиб қўймоқдалар, бунинг натижасида масъулиятли лавозимларга ходимлар танлашда ҳатоларга йўл қўйилмоқда, партиявий ва меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан кўнгилчанлик қилинмоқда. Оқибатда кадрларни тез-тез алмаштиришдек ноҳуш ҳолатлар содир бўлмоқда.**

**Афсуски, кўпгина ерларда кадрлар резерви номигагина мавжуддир. Одамларни ҳар томонлама ўрганмаслик, амалий ишларда синаб кўрмаслик, мустақил қадам қўяётган ходимларда ишчанлик, снёсий ва маънавий фазилатларни камол топтирмаслик, ёш мутахассислар тўғрисида домий ғамхўрлик қилмаслик сингари камчиликлар умумий ишимизга катта зарар келтирмоқда. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида хотин-қизлардан малакали, етарли маълумотга эга бўлган ходимлар бўла туриб, турли бўғин раҳбарлигига тегишли ваколати бўлмаган эркаклар тайинлаб қўйилмоқда.**

**Ленинча ишлаш принципларини пухта эгаллаган, снёсий жиҳатдан етук, кўпчилик манфаатига ихлосманд, сафдошлари ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилувчи, олижаноб фазилатли, қамтар кадрларни тарбиялаш ва етиштириш шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг юксак вазифасидир. Зотан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ўстириш пировард натижада шу масаланинг ижобий ҳал қилинишига боғлиқ эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.**

**Шу билан бир қаторда шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич, партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқаришдаги тартиббузарлик, хўжасизлик, кадрлар қўнимсизлиги каби аҳволни вужудга келтираётган сабаблар моҳиятини чуқур ўрганишлари, уларнинг олдини олиш учун самарали чора-тадбирлар кўришлари керак.**

**Кадрлар билан ишлаш масаласига жойларда оқилона, аммо принципиаллик ва активлик билан ёндошилиши лозим. Партиямизнинг кадрлар тўғрисидаги снёсати эски кадрларга нисбатан авайлаб муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимидан кўпроқ баҳраманд бўлиш, шу билан биргаликда ёш, ўзини кўрсатган кадрларни юқорироқ лавозимларга кўтариш сари йўналтирилганлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини ёдда тутмогимиз керак. Бу партиямиз, унинг революцион анъаналарининг доимий шартидир.**

**Кадрлар тарбияси ўзига хос дорилфунундир. Бинобарин, меҳнат коллективларидаги барча мураббийларнинг эътибори ва иқтидори ана шу мақсадга қаратилиши фойдадан ҳоли бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладида айтганидек: «Шундай қилиш керакки, раҳбар партия ишига кўтариладиган ўртоқлар меҳнаткаш омма орасида юриб пишиб етилиши, улар мамлакатимиз ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг ўй-фикрларини, уларнинг ҳаётини ва талаб эҳтиёжларини, уларнинг қизиқишларини ҳужжатларга қараб эмас, балки, шахсий тажрибаларидан билиб олишлари керак».**

**Кадрлар билан ишлаш уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласи партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари фаолиятининг марказий ва энг муҳим жиҳати бўлиб келди ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Шу боисдан ҳам катта ишончга эга бўлган барча кадрларимиз ўз фаолиятларини замонавий талаблар асосида намунали йўлга қўйишлари лозим. Зотан КПСС XXVI съезди томонидан қўйилган, снёсат жиҳатидан тамоман янги вазифалар шуни тақозо этади.**

### ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ УЧУН

**«Ер юзида тинчлик тантана қилаверсин!» номли брошюра босилиб чиқди. Бу китобчага КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1981 йил 9 майда қаҳрамон шаҳар Киевда мемориал комплексни тантанали очиш маросимида иштирок этганлигига доир материаллар киритилган.**

**Китобчани Снёсий адабиёт нашриёти чоп этди.**

**(ТАСС).**

# ДЎСТЛИК ОРБИТАСИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИГА

## *Кремлда СССР ва РСР космонавтларига олий совет мукофотлари топширилди*

Космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишдаги халқаро ҳамкорлик — социализм мамлакатлари қардошларча дўстлиги ва мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигининг яққол намунасидир. Юксак маҳорат ва жасорат кўрсатган нема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Л. И. Попов билан Руминия Социалистик Республикасининг граждани, тадқиқотчи космонавт Думитру Прунариудан иборат составдаги тўққизинчи халқаро экспедиция билан «Интеркосмос» программасидаги учишлар ниҳоясига етди.

2 июнь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлда космоснинг довюрак забткорларига Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.



Суратда: мукофотларни топшириш пайти.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

## *Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи*

Азиз ўртоқлар! Мен совет-румин космик экипажини бевосита табриклаётганимдан хурсандман.

Социалистик мамлакатлар космонавтларининг ҳар бир навбатдаги учиши — ҳам фан, ҳам техника, ҳам инсон тафаккури соҳасида олга томон қўйилган яна бир қадамдир. Аслида ҳар бир учиш ноёб ютуқдир. Унинг ўз вазифаси, ўз мақсади бўлади. Буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб эса пухта ўйланган яхлит программани ташкил этади, бу программанинг амалга оширилиши космосни янада чуқурроқ билиб олишнинг яхши пойдеворн бўлади.

«Интеркосмос» программасининг муваффақияти, яъни тўққизта халқаро экипажнинг учиши — қардош социалистик мамлакатларнинг муштарак хизмати, космонавтлар, олимлар, конструкторлар, инженерлар, ишчиларнинг, хуллас космосни ўзлаштиришга алоқадор бўлган барча кишиларнинг хизматидир.

Бу катта ишга Попов ва Прунариу ўртоқлар ҳам ўз ҳиссасини, каттагина ҳиссасини қўшдилар. Улар «Салют-6» станциясининг асосий экипажи Коваленок ва Савиних ўртоқлар билан биргаликда кўп иш қилдилар. Ернинг табиий ресурслари, иқлим, биология, медицина — мана шуларнинг ҳаммаси космонавтларнинг диққат марказида бўлди.

Космик фазони биргаликда ўрганиш — социалистик мамлакатлар ўртасида ердаги ишларда вужудга келган қардошлик муносабатларининг бевосита давоми эканлиги тўғрисида илгари ташриф ўтган эдим. Ердаги тажриба ҳам, космосдаги тажриба ҳам бир нарсадан дарак беради: бизнинг ҳамкорлигимиз ҳар бир мамлакатнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу ҳамкорлик барча кишиларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Мен космонавтлар билан учрашганимда ҳамиша, инсон нақадар кўп иш қилиши мумкин ва унинг чексиз ижодий имкониятларини одижаноб ва тинчлик мақсадларига йўналтириб туриш нечоғли муҳим иш деб ўйлайман.

Йигирманчи аср улуғ илмий зафарларининг баъзи оқибатлари инсоният учун манфаат келтирмаганлиги яхши маълум. Улар орасида юз минглаб кишиларнинг умрига зомин бўлганлари ҳам бўлди. Бас, шундай экан, космоснинг мухолифлик майдонига айланмаслиги учун, космосни милитаристаштириш содир бўлмаслиги учун ўз вақтида ғамхўрлик қилиш жуда-жуда зарур. Космос тинч ва фақат тинч бўлиши мумкин ва лозим, деб яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўртоқлар! «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий тадқиқот комплексидаги космик учиш муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳамда шу учиш вақтида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Леонид Иванович Попов Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотланади. Тадқиқотчи космонавт, Руминия Социалистик Республикасининг граждани Думитру Прунариуга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени билан «Олтин Юлдуз» медали топширилди.

Азиз ўртоқлар, сизларни мана шу юксак мукофотлар билан табриклайман.

Сизларга сидқидилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янги катта муваффақиятлар тилайман.

* * *

Л. И. Попов ўртоқ Л. И. Брежневга мурожаат этиб бундай деди:

Маълум қиламанки, биринчи совет-румин халқаро парвоз программаси тўлатўкис бажарилди. Экипажнинг кайфияти жуда яхши. Бу парвоз бутун совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди қарорларини амалга ошираётган йилда, Руминя Коммунистик партиясининг 60 йиллиги йилида, бутун тараққийпарвар инсоният одамнинг Ер планетасининг биринчи фарзанди Юрий Алексеевич Гагаринннинг космосга қилган парвози 20 йиллигини нишонлаётган йилда тугалланди.

Азиз Леонид Ильич, экипажимизга юксак ишонч билдирилиб, мана шу масъулиятли вазифани бажариш топширилганлиги учун, бизнинг шаънимизга айтилган самимий сўзлар учун, Ватаннинг юксак мукофотлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, шахсан Сизга астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Совет космонавтлари Ер юзида тинчлик манфаатлари йўлида; бутун инсоният бахт-саодати йўлида космик фазони муваффақиятли ўзлаштириш учун бутун кучлари, билимлари, тажрибаларини ишга соладилар.

Шундан кейин сўзга чиққан Д. Прунариу унга кўрсатилган юксак шараф — Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, шахсан Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик изҳор этди.

Космосга учиш, шунингдек менинг иштирокимда ўтган тадқиқотлар, деди у, Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида, Руминя билан СССР ўртасида социалистик ва коммунистик жамият бунёд этишдаги анъанавий бирдамлик ва самарали ҳамкорликнинг ёркин ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Шу онларда мен ҳақиқий ўртоқлар ва дўстлар сифатида ҳамкорлик қилган совет космонавтлари Леонид Попов, Владимир Коваленок ва Виктор Савинихга, шунингдек менинг космосга парвозимга тайёргарлик кўришимга кўмаклашган совет олимлари, совет фанининг ажойиб ютуғи — «Союз-40» — «Союз Т-4» ракета космик системасининг бенуқсон ишлашини ҳамда бизга ишониб топширилган вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаган барча кишиларга чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этмоқчиман.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ҳурматли ўртоқ, Руминя Социалистик Республикасининг граждани бўлган менга Сизнинг олий мукофотларни тантанали топширишингиз партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик каби жозибадор, ниҳоятда кучли, партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик каби кучли хотира бўлиб қолади, деб Сизни ишонтираман, ўртоқ Николае Чаушеску билан Сизнинг, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев учрашувларингиз ва аҳдномаларингиз бу дўстликни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Нутқлар қарсаклар билан кутиб олинди.

Л. И. Попов билан Д. Прунариу халқаро экипаж биргаликда учган вақтда космик кема ичида бўлган эсдалик совғаларни Леонид Ильич Брежнева топширдилар.

Мукофотларни топшириш вақтида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Ф. Дмитриев, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари авиация генерал-майори А. А. Леонов, РСРнинг СССРдаги элчиси Т. Дудаш, бошқа расмий кишилар космос қаҳрамонларини самимий муборакбод қилдилар.

(ТАСС).

# ЗАВОД МАРКАСИНИНГ ШУҲРАТИ УЧУН

### МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ СОҲАСИДА ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРИШ КЕРАК

2 июнь куни Тошкентда саноат, савдо ва маиший хизмат ходимларининг республика кенгаши бўлди. Кенгашда область, шаҳар, район партия комитетларининг масъул ходимлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг саноат масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, давлат комитетлари, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, республика партия активи қатнашди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига, кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш сўзи билан очди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ва давлат стандартларига риоя қилиш соҳасида республика партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков бу ҳақда доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Узсовпроф секретари Х. В. Нуъмонов, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери В. Н. Журавлев, Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари Э. А. Таймазов, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасанов, Тошкент шаҳри Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри А. И. Бродова, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг бош директори А. Х. Қодирова, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Қ. Қобулов қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги босқичда яхши сифатли саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни таъминлаш проблемаси социалистик иқтисодиёт ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида жуда катта аҳамият касб этади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида бундай деди: «Жаҳондаги ва ватанимиздаги энг яхши намуналарга мос келмаган бошқа ҳеч қандай кўрсаткич билан биз келиша олмаймиз ва келишмаслигимиз керак. Эскирган, орқада қолган, ҳаётнинг ўзи қаршиз қилиб қўйган ҳамма нарсани қатъиян улоқтириб ташлаб, ўзимизни ана шунга ўргатишимиз, ана шунга эришишимиз лозим». Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш коллективлари ана шу йўл-йўриққа амал қилиб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида юқори сифатли буюмлар ҳиссасини оширишга, уларнинг хилларини кўпайтиришга интилмоқдалар. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, Тошкент агрегат заводи, Самарқанд «Гелион» заводи, Маргилон «Атлас» бирлашмаси ва бошқа идғор корхоналар бу соҳада намуна кўрсатмоқдалар. Бундай коллективлар буюмларнинг 1500 хилини — қишлоқ хўжалик машиналари ва пахта тозалаш ускуналари, газлама ва пойабзал, идиш ва кийим-кечак, цемент ва мебель, ўғит ва трансформаторларни ҳамда бошқа кўп маҳсулотларни юқори сифат категориясида ишлаб чиқаришни таъминламоқдалар. Шу йилнинг бошидан буён юқори сифат категориясидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилмоқда, бундай маҳсулотлар ўтган йилдагига нисбатан 15 процент ортди.

Аммо республикада ишлаб чиқарилаётган кўп буюмларнинг техника даражаси ва сифати ҳозирги талабларга жавоб бермаяпти. Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳиссаси эса бутуниттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан паст. Пахтачилик учун мўлжалланган бир қанча машиналар, пахта тозалаш техникаси айрим турларидаги конструктив нуқсонлар ва уларнинг пишиқ, пухта эмаслиги жиддий ташвиш туғдиради. Магазинларга етказиб берилаётган неча йилаб хилмахил моллар тегишли нусҳа ва эталонларга мос эмаслиги меҳнаткашларнинг ҳақли равишда норозилик билдиришига сабаб бўлмоқда. Омборларда ўтмас моллар уюлиб ётибди, маҳсулотлардан бир қисмининг нархини камайтириш ёки ҳатто брак қилиб жўнатишга тўғри келади. Бундай фактлар Самарқанд холодильник заводида, Жиззах трикотаж фабрикасида, Қўқон ва Янгийўл пойабзал фабрикаларида, Бухоро тикувчилик бирлашмасида ва енгил саноат министрлиги, озиқ-овқат саноат министрлиги, гўшт-сут саноати министрлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий саноат министрлиги ва бошқа омилларда ва пахта тозалаш ускуналари, газлама ва пойабзал, идиш ва кийим-кечак, цемент ва мебель, ташкилотлари олдига саноат маҳсулот сифатини ошириш вазифалари қўйилди. Давлат стандартларига ва техника шартларига қаттиқ риоя қилинишига нисбатан юксак талабчанлик бўлиши керак, ҳар бир меҳнаткашни фабрика маркасининг шуҳрати учун масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаш зарур. Сифат масалалари партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, барча хўжалик раҳбарларининг доим диққат марказида туриши лозим.

Нотиқлар корхоналарда ҳам, бутун-бутун тармоқларда ҳам сифат назоратининг комплекс системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш маҳсулот сифатини оширишнинг асосий йўли эканлигини таъкидладилар. Буидан мақсад — шу беш йилликнинг ўзидаёқ СССР давлат стандарти ёрдами билан уларни ягона республика системасига жалб этишдир. Нотиқлар мавжуд резервларни очиб бердилар. Бу резервларни сафарбар қилиш маҳсулот сифатини дадил ва самарали назорат қилиб туриш имкониятини туғдиради. Республикада метрология хизматини такомиллаштириш, янги буюмларнинг лойиҳаларида илғор сифат кўрсаткичларига амин тайёрлаш, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тақдим этиладиган янги механизм ва машиналар системасини анча яхшилаш, бирлашмаларда ишлаб чиқаришни тобора ихтисослаштириш ва концентрациялаш, шартномада белгиланган интизомга қаттиқ риоя қилиш ва бошқа омиллар шундай резервлардандир. Савдо ташкилотлари ўзларига маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро алоқаларини тубдан яхши йўлга қўйишлари, харидорларнинг талабларини чуқур ва самарали ўрганиб чиқишлари керак. Ўзбекистон давлат стандарти бошқармаси ҳозирги кунинг талабларига мувофиқ равишда ўз ишини тез ва собиткадамлик билан қайта қуриши, стандартларга риоя қилиниши устидан давлат назорати даражаси ва самарадорлигини ошириши зарур.

Нотиқлар ўқтириб ўтганидек, ҳозирги босқичда интенсивнинг, топширилган иш учун ҳар бир ходимнинг шахсий жавобгарлиги тобора катта роль ўйнайди. Маҳсулотнинг юқори сифати учун, унинг жаҳондаги энг яхши нусҳаларига мос бўлиши учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириш ва унга бошчилик қилиш, республикадаги барча партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг бурчидир. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш коллективлари ўн биринчи беш йилликда юқори сифатли буюм ва материаллар ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштирадилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни таъминлайдилар ва бу билан КПСС XXVI съездининг қарорларини бажаришга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирдилар.

Кенгашда СССР давлат стандартлар комитетининг раиси В. В. Бойцов сўзга чиқди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетя бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

# Социалистик мусобақа кундалиги

## ТЎҚИМАЧИ ҒАНИЕВАЛАР

### ТЎРТ ОПА-СИНГИЛ ҒАНИЕВАЛАР ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШМОҚДА

ПОЙТАХТНИНГ кўҳна ва навқирон корхонаси — Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати дарвозасидан ҳар куни ўн минглаб киши кириб чиқади. Улар орасида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган хотин-қизларни, турли миллат ва турли касб эгаларини учратиш мумкин. Мана шу тўқимачилар оқими орасида ҳар куни бу дарвозадан тўрт опа-сингил ҳам кириб чиқади. Улар ўз иш жойларида, ўз дастгоҳларида фидокорона меҳнат қилиб, смена топшириқларини мунтазам оширib бажарадилар, бу меҳнат нашидасидан қалблари завқ-шавққа тўлиб, дадил ва шодон қадам ташлашади. Ана улар —Мавлуда, Мавжуда, Насиба ва Улбўсин Ғаниевалар...

Бугунга келиб бу опа-сингилларнинг номи фақат ўзлари ишлаётган цехлардагина эмас, балки, бутун комбинатда яхши таниш. Чунки уларнинг ҳар бири илғорлар қаторидан ўрин олишган. Эҳтимол, бу опа-сингиллар ёшлигида, ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида тўқимачи бўлишни орзу ҳам қилмагандирлар. Бу табиий. Чунки, улар туғилиб ўсган Ангрен шаҳрида бундай касбнинг ўзи йўқ.

Ҳаммаси оддийгина бир эълондан, оддий бир воқеадан бошланди. Мавлуда ўрта мактабни тугатиб олий маълумот олиш ниятида Тошкентга келди. Кириш имтиҳонларида унга омад кулиб боқмади. Бироқ, энди нима қилиш керак? Бирон жойга кириб ишлаш керак, албатта. Шунда меҳнат стажи орттирилади, кейинроқ институтнинг кечки бўлимига кириш учун имкониятлар кенгаяди». Мавлуда худди шу ҳаёл билан турганида институт дарвозаси ёнига ёпиштириб қўйилган эълонга кўзи тушди. Унда Тошкент тўқимачилик комбинатига ўнлаб касблар бўйича ишчилар қабул қилинаётгани, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланиши ҳақида ёзилган эди...

Кадрлар бўлимида барча қатори уни ҳам илиқ кутиб олишди. Мавлуда йигирувчи бўлиш истаги борлигини айтди. Ахир оппоқ пахтадан машиналарда оппоқ ипларни йигириш қандай гаштли. Уни учинчи йигирув фабрикасига ишга йўллашди.

Мавлуданинг ҳаётида муҳим бир босқич худди шу ерда вужудга келган эди. Кечагина ишчи бўлишни, йигирувчи касбини эгаллашни ҳаёлига ҳам келтирмаган қизнинг бундан буён бу ерда ишлаб кетиш-кетмаслиги, аввало, шу коллективга, хусусан унинг устозига жуда ҳам боғлиқ эди. Мавлуданинг бу томондан омади бор экан— фақат фабрикада эмас, комбинатда донг таратган илғор йигирувчи Любовь Сазонова уни шогирдликка олди.

Табиатан меҳнатсевар, меҳнаткаш онлада вояга етган бу қиз дастлабки кунларданоқ коллективнинг ҳам, устозининг ҳам ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Тиришқоқлиги, қизиқувчанлиги, энг муҳими — ўзи танлаган касбга меҳр қўйганлиги туфайли орадан 6 ой ўтгач мустақил ишлашга ўтди. Ўшанда 1976 йил эди...

Бугунга келиб Мавлуда Ғаниева илғор йигирувчи. У ҳудди ана шундай пешқадам йигирувчилар ишлайдиган зич хизмат зонасида меҳнат қилиб, 2304 та урчуқни маҳорат билан бошқариб келяпти.

Мавлуданинг ўз иши, комбинат кишилари ҳақидаги илиқ гаплари сингилларини ҳам бефарқ қолдирмади. Ўша 1976 йилнинг кузида комбинатга унинг синглиси Мавжуда келди. У йигирувчилик касбини ўрганишни опасидан бошқачароқ йўлдан бошлади. Мавжудани корхона ҳузуридаги ҳунар билим юртига ўқишга юборишди. Бир йил ичида йигирувчи касбини эгаллаган Мавжуда опаси ишлайдиган цехга келди. Унинг номи ҳам тез орада коллектив оғзига тушди. Қизиғи шундаки, бир цехда меҳнат қилаётган икки опа-сингил ўзаро мусобақалашиб ишлашяпти. Бу мусобақа опа-сингилларни бир-бирининг илғор тажрибасини ўрганишга, бир-биридан ўзиб ишлашга илҳомлантирмоқда.

Комбинатга оиланинг учинчи фарзанди — Насиба Ғаниева келганида 1977 йилнинг январи эди. Насиба опалари каби йигирувчиликни эмас, балки ғалтакка ип ўровчи касбини танлади. Нега шундай?

Буни ҳозир ўзи ҳам яхши тушунтириб беролмайди. У ишга жойлашишдан олдин опалари билан бирга комбинатга кириб барча цехларни айланиб чиқди. Шунчаки экскурсия учун эмас, балки ўзига ёқадиган иш танлаш учун. Ғалтакка ип ўраш цехидаги иш жараёнлари Насибага ёқиб қолди ва шу коллективга келиб қўшилди.

Насиба опаларининг изидан борди, улар ишининг давомчиси, издоши бўлди. У танлаган касб ҳам опалари бажараётган ишнинг давоми, пахтанинг тайёр маҳсулот бўлиб чиққунгача амалга ошириладиган жараёнларни тўлдиради. Опалари ип йигиради, Насиба эса ана шу ипларни ғалтакка ўраб, тайёр маҳсулот ҳолатига келтиради. У ип ўраш автоматининг 24 шпинделини маҳорат билан бошқариб, смена давомида 1700—2000 дона ғалтак ип ўрашга муваффақ бўлмоқда. Бу, ойлик кўрсаткичлар 127—135 процент демакдир.

Оиланинг тўртинчи фарзанди — Улбўсин Ғаниеванинг комбинатда меҳнат қилаётганига ҳам икки йил бўлиб қолди. 1979 йилда мактабни битирди-ю, ҳеч иккиланмай опалари сафига келиб қўшилди. У илгарироқ мана шунга қарор қилган эди. Улбўсин ҳунар билим юртида таълим олаётганидаёқ, энг аълочи ўқувчилардан бири сифатида танилди. Ишлаб чиқариш практикасини эса 3-йигирув фабрикасида — опалари ёнида ўтказди ва шу ерда ишлаб қолди.

Ғаниеваларнинг ота-онаси кейинги фарзандлари ўғил бўлишини истаб Улбўсин—ўғил бўлсин деган ном қўйишибди. Уларнинг тўрт фарзанди — тўрт опа-сингил бугун комбинатда зарбдорчасига ишлаб, ана шу оила шаънини шуҳратга буркашяпти, ота-оналарига раҳмат келтиришяпти. Шу билан ота-оналарининг истагига муносиб жавоб беришмоқда.

Ана, комбинат ҳовлисидаги соя-салқин йўлкадан тўрт опа-сингил шодон кайфият билан бир-бирига нималарнидир ўқтириб дадил қадам ташлаб келмоқда. Улар бир гапириб, ўн кулишади. Чунки, улар ҳозиргина сменани тугатишди. Ҳар бири сменада нормадагидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Яхши ишлаган, ишидан қониққан одамнинг кайфияти эса ҳамиша чог бўлади. Тўрт опа-сингил ҳозир ва ҳар куни худди ана шундай кайфиятда...

**Т. ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Тўқимачилар овози» кўп нусхали газетасининг мухбири.**



ЧИНОЗ районининг «Олмазор» посёлкасидаги 5-автомобиль ремонти заводи коллективи йилига 1500 та ГАЗ-24 ва микроавтобусларни ремонтдан чиқаряпти. Суратда: илғор ремонтчи слесарь Эдем Тейфуков иш устида.

ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАР ТАШАББУСИГА КЕНГ ЙЎЛ

## МЕҲРИМИЗ ҒЎЗАГА ПАЙВАНД

ОБЛАСТИМИЗ бир гуруҳ донгдор пахтакорлари бошлаган ватанпарварлик ташаббуси бригадамиз заршуносларн қалбидан ҳам мустаҳкам жой олди. Улар ана шу қимматли ташаббусга жавобан янада зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаш, она-Ватанни мўл «оқ олтин» билан қувонтириш, ҳар гектар ердан камида 50 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилишган.

Албатта, катта ваъда беркш, юксак мажбурият олиш билан иш битмайди. Ҳамма гап зиммага олинган мажбурият масъулиятини чуқур, дилдан ҳис этишда, ваъдага яраша меҳнат қилишдадир. Бунн яхши англаган бригадамиз аъзоларн мўл ҳосил учун курашда меҳнатсеварлик, ақиллик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Далаларимизга кун сайин файз киряпти. Ҳалн яқиндагина экиш агрегатлари юркб ўтган пайкалларда бугун ям-яшил ғўза ниҳоллари қулф уряпти, деҳқон кўнглини тоғдай кўтарнб, мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ишончини оширяпти. Бу яганаанинг барвақт ўтказилиши, экиннинг ёшлигидан озуқага тўйдирилиб, қатор ораси сифатли юмшатилаётганлиги самарасидир, албатта.

— Ғўзамиз кунда бир яшнаётганлигни жуда соз, — дейди бригада механизатори-звено бошлиғи Турсунбой Эрматов. — Бундан буён ҳам экиндан меҳримизни аямасдан кўзлаган марранн эгаллашимиз турган гап.

Турсунбойнинг ўзи шу кунларда эрта тонгдан қош қорайгунча «пўлат от»ндан тушмайди, ғўза қатор ораларини юмшатади, экиннн озиқлантиради, суғориш эгатларн очади. У кунига 8—9 гектар майдондаги ғўзага ишлов бераптн. Ҳозир звено далаларида ғўзаларга учинчн комплекс ишлов бернш қизғин бораётир.

Бригадамизнинг Э. Умаров, М. Нурхўжаев, Ж. Душабоев сингарн тажрибали механизаторларн етакчилик қилаётган звеноларда ҳам ғўза парваришн уюшқоқлик билан ўз вақтида ва сифатли ўтказилаяпти. Шуннинг учун ҳам ниҳоллар соғлом, дуркун бўлиб ўсаётир.

**П. ДАЛАБОЕВ,**
Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи.

ЎН БЕШЛАР ҲАРАКАТИГА ҚЎШИЛАЙЛИК

## БИЧИҚЧИНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ 15 ишлаб чиқариш илғорининг бир беш йилликда икки беш йиллик нормани бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тобора кенг тарқалмоқда. Ватанпарварлик ташаббуси издошлари сафи кўпайиб бораяпти. Пешқадам тикувчилар ўн биринчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш, беш йил давомида ками билан ўн йиллик ишлаб чиқариш топшириғини уддалаш юзасидан зиммаларига олинган мажбуриятлар олишяпти.

Бичиқчилик цехининг чевари Флюда Полтаева корхонанинг пешқадам ишчиларидан. Ўз касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган бу моҳир бичиқчи унумли ва сифатли ишлашда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Ўниичи беш йилликда у саккиз йиллик нормани бажарган эди. Тажрибали ишчи ўн беш илғор ишчи ташаббусига қўшилиб, бу беш йилликда ками билан ўн йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди. Шу кунларда ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун бутун тажриба ва маҳоратнни сарфлаб ишламоқда. Ҳар куни нормани 200 процентга етказиб адо этяпти. Донгдор чеварнинг меҳнат календарида сентябрь ойи бошланганига анча бўлди.

Бирлашмада ўнга яқин тикувчи зиммасига олган юксак соцналистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Улар ўзларининг самарали меҳнатлари билан корхона коллективнинг ютуқлари салмоқли бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бирлашма чеварлари йил бошидан бери пландагидан ташқари 250 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилишди. Кийим-кечакларининг сифати ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салкам ярми давлат Сифат белгиси ва янгилик тамғаси билан савдо шаҳобчаларига етказиб берилмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

«ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» Оққўрғон район бирлашмасининг пахта териш машиналари ремонти бўйича ихтисослашган устахонасида ремонт ишлари қизғин олиб бориляпти. Бу коллектив 1981 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсумигача 200 та агрегатни, 600 та ишчи аппаратларини ва 400 тракторни капитал ремонтдан чиқаради. Бу техниканинг барчаси пойтахт область пахтакор хўжаликларида ишлатилади. Суратларда: коммунистик меҳнат зарбдори, ремонтчи-слесарь Ҳабибулла Ваққосов иш устида. У ўн биринчи беш йиллик шахсий топшириғини уч йилда бажариш муддатини олиб ишламоқда. Конвейердан ремонт қилинган машиналар чиқяпти.

В. Сироткин фотолари.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА — ЮКСАК СУРЪАТ

## БАҲОНА ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ БЎЛСИН

Оҳангарон райони кун сайин чирой очиб бормоқда. Ўтган беш йиллик ичида районда қатор маданий-маиший объектлар, мактаб, болалар боғчалари, кинотеатр бинолари қуриб битказилди. Шу билан бирга бунёдкорлар аҳолига кўплаб турар-жой бинолари қуриб бердилар. Минглаб ишчи ва хизматчилар дала меҳнаткашлари янги квартираларга кўчиб кирдилар.

— Районимизда бу соҳага жиддий эътибор берилаётганлигини қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин, — дейди Оҳангарон район ижроия комитети раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари П. Симоненко. — Ўтган йилнинг ўзида 7825 квадрат метр ҳажмдаги янги турар-жой бинолари қуриб битказилди. Пландан ташқари 2759 квадрат метр саҳндаги квартиралар ўз эгаларига топширилди. Яна шуниси диққатга сазоворки кўпчилик бинолар келгусида унда истиқомат қиладиган кишиларнинг иш характери, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олинган ҳолда барпо этилди. Қишлоқ районларида кичик томорқалари бўлган коттежлар, саноат районларида эса замонавий, кўп қаватли бинолар қад кўтарди.

Район ижроия комитети раиси ўринбосарининг гапларида жон бор, албатта. Ўтган йили бунёдкорлар колхоз ва совхозларда, саноат корхоналари ишчи-хизматчилари учун кўплаб турар-жой бинолари қуриб, меҳнаткашлар олқишига сазовор бўлдилар. Йил охирига-ча 1 миллион 306 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Аҳоли учун мўлжалланганидан анча кўп миқдорда турар-жой бинолари қуриб берилди. Ўтган йилги ютуқлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Лекин бу — қўлга киритилган муваффақиятлардан сўнг хотиржамликка тушиш мумкин деган гап эмас. Чунки, район аҳолисининг сони йил сайин ортиб бормоқда. Ўз-ўзидан маълумки, янги квартира, кенг, шинам хонали уйларга бўлган эҳтиёж ҳам юксалмоқда. Лекин Оҳангаронда қурилиш ишларида катта номутаносиблик бор.

1981 йилнинг 1 квартали якунларига кўра турар-жой қурилиши плани бажарилмади. Кўплаб объектлар ярим йўлда тўхтатиб қўйилди. Буденний, Серго Оржоникидзе номли совхозларда, от заводи территориясида ва бошқа кўплаб колхоз ва совхозларда битказилиши керак бўлган бир неча уй-жойлар ҳануэгача ўлда-жўлда ётибди. Республика мева ва сабзавотчилик министрлигига қарашли 4-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари турар-жой бинолари қуриш квартал планини 40 процент ҳам бажара олмадилар.

— Бунга объектив сабаблар бор, албатта, — дейди колонна бошлиғи Т. Абилзатов. — Ахир, биргина ташаббус билан уй қуриб бўлмайди-ку. Объект учун ҳам гишт керак, ҳам бетон керак, ҳам ёғоч керак... айтаверса тугамайди. Афсуски, қурилиш материаллари етказиб беришда кўпинча узилишлар бўлмоқда. Айрим турдаги қурилиш материалларини ойлаб кутишга тўғри келмоқда. Буниси ҳам етмагандек, айрим ташкилотлар материалларни умуман етказиб бермаяптилар. Хусусан, Ангрен керамика комбинати шу кунгача 80 минг дона ғишт, Тошкентдаги ёғочсозлик заводи 120 куб метр ёғочтахта «Нефтеснабсбит» область бошқармаси 10 тонна битум, Чирчиқдаги 9-ғишт заводи 90 минг дона ғишт, Тошкентдаги 1-темир-бетон буюмлари заводи 45 куб метр плиталарни етказиб бермади. Бу эса ўз навбатида қурилиш ишларини бир меъёрда олиб боришга тўсқинлик қилмоқда.

— Афсуски, бу қурилиш материалларини қачон келтирилишини аниқ айтаолмаймиз, — дейди П. Симоненко. — Чунки, бунёдкорлик ишлари учун зарур бўлган бу материаллар шу кунгача нега етказиб берилмаётганлиги ҳақида ташкилотлардан бирорта маълумот келганича йўқ...

Эҳтимол умуман келмас. Ҳар қалай 4-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Т. Абилзатов ҳам, қурилиш ишлари учун масъул бўлган район раҳбарлари ҳам «олма пиш — оғзимга туш» қабилида иш кўрмасликлари керак. Бугунгача қуриб битказилиши керак бўлган уй-жойларнинг ҳамон ўлда-жўлда ётишида биринчи навбатда объектлар учун бинокорлик материаллари етказиб бермаган ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари айбдор эканликлари аниқ. Лекин «маълумот» келгани билан битмай қолган бинолар тикланиб қолмайди. Шундай экан район раҳбарлари бу масъулиятсизликка чек қўйишга эртароқ киришишлари керак.

Эҳтимол эрта-индин юқорида номлари тилга олиб ўтилган бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардан маълумотлар келиб қолар. Балки улар ҳам маҳсулот етказиб бермаслик қандайдир «объектив» сабаблар орқали рўй берганлигини айтиб, ўзларини оқлашга, бу ишда айбдор эмасликларини исботлашга ҳаракат қиларлар?! Афсуски, икки ўртада кўплаб аҳоли бу йил ҳам янги уйларга кўчиб ўтиш қувончидан маҳрум бўлмоқда. Ахир уларда нима айб? Ҳа, шундай экан, баҳона эмас, амалий иш бўлиши керак.

**Қ. КАРИМОВ,**
**А. МИРАЛИМОВ.**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.**

## БИР КАСБДА 32 ЙИЛ

— ҚОЙИЛМАН, азаматлар, бу ойда ҳам мусобақа ғолиблиги сизларда кетибди,— завод партия ташкилотининг секретари Т. Гайнуддинов бригадани табриклар экан, Ориф аканинг қўлини қисиб кўришди.

— Шундай азамат йигитларинг бўлгач, орқада қоларминг,— Ориф Расулхўжаев бригада ёшларига ишора қилди.— Улар баҳосида мен ҳам ғолиб бўлиб олдим.— Бу гапдан сўнг ҳамма гуруллаб кулиб юборди...

Бригада аъзолари Ориф ака-га эргашиб ичкарига кириб кетишди. Электр таъминоти цехи олдида бироз маслаҳатлашилгач, ҳамма ўз иш жойини эгаллади.

Ориф ака корхонанинг кекса, электр цехининг эса энг тажрибали ишчиларидан. У Тошкент районидаги 7-ғишт заводига ишга келганига 32 йилдан ошди. Лекин ветеран меҳнатда ҳамон бошқаларга намуна, ишлаб чиқаришда— илғор. У шахсий нормаларини ошириб бажариш билан бирга ёш ишчиларга ўзининг кўп йиллик бой тажрибасини ўргатиб келмоқда. Б. Устаев, В. Айтжонов, С. Ситников, Х. Исломов сингари бригада илғорлари ҳам дастлабки сабоқларни Ориф ака ёнида туриб олганлар. Бугун эса улар устозга тенглашиб меҳнат қилишяпти.

Корхона коллективи съездлар йилида қурилиш ташкилотлари учун 43 миллион дона ғишт ва 3 миллион 300 минг дона блок етказиб бериш мажбуриятини олишган. Бу эса ҳар бир ишчидан барча резервларни ишга солиб, самарали меҳнат қилишни талаб этади. Ориф Расулхўжаев ана шу шарафли вазифанинг бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиб, бошқаларни ҳам зарбдор меҳнат қилишга даъват этиб келяпти. Бу эса бригаданинг мусобақада мунтазам ғолиб чиқишига ёрдам беряпти.

**Т. ЖЎРАЕВ,**
**завод ишчиси.**

▲ БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА — ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК

▲ ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ...


▲ ЙИЛЛИК ПЛАН — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 64 ЙИЛЛИГИГАЧА

▲ ҒЎЗА ПАРВАРИШИ АВЖИДА

▲ УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР НАМУНАСИ

▲ БРИГАДА ФОРМАСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИБ...

▲ ЧАЛА ҚОЛГАН ОБЪЕКТЛАР





## ҲАМ ИШЧИ, ҲАМ КОЛЛЕКТИВ МАНФААТДОР

Смена олдидан бригадир —В. Фадеевнинг айтган гаплари баъзи ишчиларга ёқимқирамади. Айримлар тушунар-тушунмас бу таклифга қарши чиқишди.

— План ҳам бажарилаяпти, сифат ҳам жойида. Иш ҳақи ёмон эмас, нима қиламиз бригада методига ўтиб, синалмаган нарса бўлса? — деди слесарлардан бири ўртага чиқиб. Бригадир унга етиғи билан тушунтирмоқчи бўлди.

— Тўғри, бўгунгача ишимиздан ҳеч ким нолиган эмас. Лекин, кечаги иш методимиз эртанги талабга жавоб бермаслиги мумкин. Қолаверса ягона наряд асосида ишлаш тажрибаси бирмунча афзалликларга эга эканлиги амалда исботланди. Бу усул ҳар бир ишчининг коллектив олдидаги шахсий масъулиятини оширишда, браксиз ишлашда, меҳнат унумдорлигини юксалтиришда қўл келади. Бундан ишчи ҳам, коллектив ҳам фақат фойда кўради.

...Келгуси сменадан бошлаб бригада ягона наряд асосида ишлашга киришди. Айримлар «Нега мен тажрибали ишчи бўла туриб, кечагина заводга келган слесарь билан бир хил кўрасткичга эришишим керак экан?» деб ўз вазифаларига бироз масъулиятсизроқ ёндошишди. Аввалгидек шижоат юксак суръат билан меҳнат қилишмади. Натижада бригада ойлик планни бажара олмади. Ўз навбатида бригада аъзоларининг иш ҳақи ҳам ўтган ойлардагига нисбатан камайди.

— Ўша кезларда дастлабки кўрсаткичлар юқори бўлмаганлиги бир ҳисобда коллектив учун фойдали бўлди, — дейди бригадир Владимир Фадеев. — Чунки, ягона наряд асосида ишлаш истаги бўлмаган слесарлар бошқа бригадаларга ўтиб кетишди. Лекин, кўп ўтмай қилган ишларидан ҳам уялиб, ҳам афсусланиб юрганлар ҳам чиқиб қолди.

### ЯГОНА НАРЯД АСОСИДА

Бригадага Б. Сон, Н. Кабельский сингари ишчилар қабул қилинди. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қила бошлади. Янги ишчилар ўз вазифаларини пухта эгаллагач, коллективнинг кўрсаткичлари кундан-кунга юксала борди. Тез орада осма кўприк кранлари тайёрлаш бригадаси «Подъёмник» заводининг илғор коллективлари сафидан ўрин олди.

— Бу бригада ютуқларидан сўнг заводнинг яна бир неча коллективлари ягона наряд асосида ишлашга киришишди. Янгича усулда иш ҳақи бригаданинг кўрсаткичига, ишчининг меҳнат стажига, разрядига қараб тўланила бошланди. Натижада бу усулда ишлаётган бригадаларнинг ютуқларини кўрган қўшни коллективлар ҳам ягона наряд асосида ишлашга ҳайриҳоҳлик билдира бошладилар. Бундай бригадалар ҳозирнинг ўзида 10 тага етди.

Йил охиригача завод коллективи пландан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот, 1 та осма кўприк крани ишлаб чиқариш, 5 минг киловатт-соат электр энергияси, 4 тонна ёқилғи, 20 тонна қора металл иқтисод қилиш мажбуриятини олган. Яна шуниси диққатга сазоворки, ялпи маҳсулотнинг 43,5 процента олий сифат категорияси билан тайёрланади. Бу эса ҳар бир ишчи, ҳар бир бригада, ҳар бир смена коллективидан қўш унум билан меҳнат қилишни талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, бригадамиз аъзолари ҳам янада самарали ишлашга қарор қилдилар. Смена топшириқлари эндёаси билан уддалана бошланди. Тўрт ойлик план ҳам муддатидан илгари бажарилди. Биргина ўтган ойда планни 120—130 процентга етказиб бажардик. Ҳар бир бригада аъзосининг ўртача ойлик иш ҳақи 270 сўмни ташкил этди. Бу эса ягона наряд асосида ишлаш самарали эканлигини яна бир бор амалда исботлади.

**А. КОЧЕРГА,**
**«Подъёмник» заводининг йигувчи-слесари.**

## БИНОЛАРГА САЙҚАЛ БЕРИБ

**Тошкентдаги пардозлаш трести коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишламоқда. Сайқалчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча ками билан 50 минг сўмлик ҳажмдаги ишларни бажаришга аҳд қилишган.**

**Бунёдкорлар эл-юрт олдида берилган шу ваъданинг уддасидан чиқиш учун социалистик мусобақанинг кун сайин авж олдирмоқдалар. Унда иштирок этаётган кўпгина бригадалар топшириқларни бажаришда яхши кўрсаткичларга эришяпти. Айниқса, С. Мирҳолдоров, У. Олимжонов, А. Газизов, Т. Ориповлар раҳбарлик қилаётган бригадалар коллективлари тез ва соз ишламоқдалар. Улар ойлик ишлаб чиқариш нормаларини 1,5 баравар-га етказиб бажариб, коллектив ютуқларига салмоқли ҳисса қўшишяпти.**

## ЕНГИЛ ВА ПИШИҚ

ҚУРИЛИШ ишларида шпаклёвкалар кўплаб қўлланилиши ҳеч кимга сир эмас. Қурилиш материаллари объектларга қанчалик зарур бўлса, бу маҳсулотга бўлган эҳтиёж ҳам шунчалик юқори. Лекин, кўп ҳолларда янги иншоотлар, бинолар, барпо этилаётган участкаларда шпаклёвка танқислиги сезилиб туради. Бу — саноатимиз уни кўплаб ишлаб чиқариш қувватига эга эмас деган гап эмас, албатта. Ҳамма гап шундаки, уни узоқ муддат сақлаб туриш мумкин бўлмайди. Шу сабабли қоришмани марказлаштирилган ҳолда кўплаб ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Яқинда корхонамиз илмий-тадқиқот бўлими ходимлари қоришма тайёрлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Эндиликда шпаклёвкани чеқланмаган миқдорда тайёрлаш мумкин бўлади. Уни сақлаш муддати ҳам чегараланмаган. Яна шуниси диққатга сазоворки, шпаклёвкалар табиатда кенг тарқалган хомашёлардан тайёрланади. Янги қоришманинг солиштирма оғирлиги аввалгисига нисбатан 2—3 марта енгил, пишиқлиги ва иссиқлик сақлаш хусусиятларига кўра ҳам афзалликлари кўп.

**З. УСМОНОВ,**
**«Узбекхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-тадқиқот бўлимининг катта илмий ходими.**

# МУКОФОТ МУБОРАК

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.**

**Халқ хўжалик юклари ва пассажирлар ташиш, автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва сақлаш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

### ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдужабборов** Ҳабибулло — Бекободдаги 16-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

### МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдиев** Гофир — Олмалиқ автобус-таксомотор парки токари.

**Галямов** Адиб Ганиевич — Олмазордаги 5-авторемонт заводи бўлим бошлиғининг ўринбосари.

**Гофуров** Малик — область юк ташиш автотрести бошқарувчиси.

**Жайсанбеков** Сериқбой — 2-авторемонт заводи директори.

### ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Ким** Николай Инценович — Бекободдаги 16-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

**Мирқосимов** Раҳим — Пискентдаги 82-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

### «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуқосимов** Лутфулла — шаҳарлараро қатнайдиган автобус парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Мунавваров** Шарипхон — Янгийўл автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Норбеков** Пўлат — «Ташкентоблтрансэкспедиц ц ия» бирлашмаси автомобиль ҳайдовчиси.

### II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Орифжонов** Ҳамид — шаҳарлараро қатнайдиган автобус парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Бойбосинов** Тўлқин — Янгибозордаги 121-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Болохов** Алексей Тимофеевич — 39-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

**Захаров** Николай Иванович — 56-ихтисослашган автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Кўзибоев** Нарзулло — Бекобод автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

**Самижонов** Ёқуб Юсупович — 2-авторемонт заводи ишчиси.

**Сурнин** Анатолий Федорович — Чирчиқдаги 2-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Фролов** Федор Петрович — Янгийўл автобус таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

### III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Баратов** Тўрақўл — Янгибозор автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Енин** Виктор Васильевич — Ангрендаги 72-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Рўзматов** Маърифжон Бадалович — Келес автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

### «ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдувоҳидов** Абдуманнон — Бўка автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Абдураимов** Ўктам — Чирчиқ автобус-таксомотор парки автоколонна бошлиғи.

**Абсаломов** Муҳаммаджон Холматович — 56-ихтисослашган автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Голод** Иван Степанович — Чирчиқ автобус таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Концова** Раиса Павловна — Олмалиқдаги 80-автотранспорт корхонаси ишчиси.

**Сайдинов** Қурбонбой Хайриддинович — Чирчиқдаги 2-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Торчинский** Сергей Ефимович — Тўйтепадаги 74-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Шодмонов** Ўлжабой — Оққўрғон автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

### «МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдураимов** Кенжабой — Бекобод автобус-таксомотор парки слесари.

**Кўрбошев** Абдураҳмон Сулаймонович — 2503-автоколонна карбюраторчиси, Янгийўл шаҳри.

**Лисогоров** Алексей Федорович — Янгиобод автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Маликова** Валентина Николаевна — автовокзаллар бирлашмаси кассири.

**Нишонов** Тошмат — Бўстонлиқ автобус таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Рихмаер** Эдуард Михайлович — Ангрен автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Ҳайдаров** Жумабой Усмонович — Тўйтепа автобус-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

**Шоймардонов** Маҳасим Саниаҳметович — 5-ихтисослашган автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Эйхлер** Виктор Рудольфович — Бўстонликдаги 125-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

**Хасанов** Очил — 2502-автоколонна автомобиль ҳайдовчиси.

### ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Гаврилов** Александр Фадеевич — Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри.

### МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

**Алиев** Мансур Маҳмудович — марказлашган юк ташиш автотрести бошқарувчиси.

**Аҳмаджонов** Нигмон Тўлаганович — 2-автокомбинат бош инженери.

**Афонин** Владимир Павлович — «Главташпассавтотранс» бош инженери.

**Валеев** Шамил Аҳметович — 2519-автолонна автомобиль ҳайдовчиси.

**Грибков** Юрий Гаврилович — 2521-автоколонна автомобиль ҳайдовчиси.

**Содиқов** Исмоил Хасанович — 10-авторемонт заводи мастери.

**Шангареев** Мингарай Селимгараевич — 5-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Мордик** Александр Петрович — 1-автокомбинат автомобиль ҳайдовчиси.

**Нуриддинхўжаев** Саидрасулхўжа — 2515-автоколонна автомобиль ҳайдовчиси.

**Файзиев** Абдумажид — ўқув комбинати ишлаб чиқариш таълими мастери.

**Палагина** Зинаида Александровна — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги катта инженери.

**Першхайло** Вадим Иванович — «Ўзтрансэкспедиция» бошқармаси бош инженери.

**Подрубаев** Валерий Павлович — «Ўзавторемонт» бирлашмаси конструкторлик-технологик бюроси слесари.

**Растегаев** Петр Васильевич — республика касаба союзлари Совети автомобиль ҳайдовчиси.

**Содиқов** Олимжон — 145-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

### II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдураҳмонов** Асадулла Саъдуллаевич — 2505-автоколонна слесари, Тошкент шаҳри.

**Иброҳимов** Адҳам Зокирович — 9-шина ремонти заводи слесарлар бригадири.

**Исаков** Егор Ефимович — 8-экспериментал ремонт заводи токари.

**Усенов** Хамил Хамидович — 143-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

### III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдусоатов** Абдураҳим — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқармаси транспорт қисмининг автомобиль ҳайдовчиси.

**Кислюков** Иван Герасимович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси автомобиль хўжалиги автомобиль ҳайдовчиси.

**Мусаев** Ҳаким Раҳимович — 5-автобус парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Сотин** Юрий Александрович — 2-автобус парки аккумуляторчилар бригадири.

**Тўлаганов** Комилжон — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети гаражи автомобиль ҳайдовчиси.

### «ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Акопян** Александр Сергеевич — 2-маршрут таксилари автотранспорт корхонаси слесари.

**Боймуҳамедов** Ҳожиакбар Йўлдошевич — 3-автокомбинат автомобиль ҳайдовчиси.

**Ганиев** Ҳусан Абдуҳакимович — республика ахборот-ҳисоблаш маркази бўлим мудири.

**Дўстмуҳамедов** Расул Толипович — автомобиль ўқув комбинати директори ўринбосари.

**Комаров** Анатолий Васильевич — 3-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Мадишев** Сергей Сергеевич — 2-автокомбинат слесарлар бригадири.

**Муҳамедов** Файзулла Ҳикматович — 2512-автоколонна автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

**Раҳмонов** Усмон — 1-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Сулима** Николай Моисеевич — 6-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Тасаров** Александр Никонорович — 3-автокомбинат автомобиль ҳайдовчиси.

**Тошмуҳамедов** Файзулла Шамсиевич — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги бошқарма бошлиғи.

**Тошмуҳамедов** Шокиржон Сотибалдиевич — 1-автобус парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Тешабоев** Абдуманнон Абдумаликович — 3-автобус парки слесари.

**Тўрақулов** Қудрат Исматуллаевич — 3-автокомбинат автомобиль ҳайдовчиси.

**Харитонов** Петр Алексеевич — 7-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Йўлдошев** Абдуносир Мирзаевич — 7-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

### «МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Акбаров** Йўлдош Тожиевич — 2-автокомбинат автомобиль ҳайдовчиси.

**Алимов** Исроил Исмоилович — 143-автотранспорт корхонаси директори ўринбосари.

**Артеменко** Василий Андреевич — 3-автокомбинат слесари.

**Отахонова** Дилора Ҳакимовна — тармоқ ахборот-ҳисоблаш маркази оператори.

**Григорьев** Василий Васильевич — «Ташгортрансэкспедиция» бирлашмаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Давидянц** Владимир Аванесович — 2521-автоколонна бош инженери.

**Жукова** Анна Кузьминична — 5-таксомотор парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Исмоилов** Улуғбек Шомуродович — 18-автобус парки автомобиль ҳайдовчиси.

**Калмиков** Владислав Федорович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқармаси транспорт қисми автомобиль ҳайдовчиси.

**Лиходзиевский** Марк Анатольевич — республика ахборот-ҳисоблаш маркази бўлим мудири.

**Магдиева** Маъфират Меҳмоновна — «Ўзавтотранстехника» бирлашмаси лойиҳа-конструкторлик технологик бюроси катта инженери.

**Молев** Василий Андреевич — 103-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Назаров** Шукур Рихсибоевич — 141-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Раҳматуллаев** Нигматулла Асатуллаевич — 1-автокомбинат мастери.

**Рябцев** Николай Иванович — 2-автокомбинат автомобиль ҳайдовчиси.

**Тошмуҳамедов** Аъзам Эгамбердиевич — ихтисослашган автомобиль мактаби ишлаб чиқариш таълими мастери.

**Тутузбоев** Жўра — 145-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

**Хўжаев** Абдували Абдувалиевич — 127-автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчилар бригадири.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Л. БРЕЖНЕВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1981 йил, 2 апрель.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**СССР Тайёрлаш министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.**

**Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

### «ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Вяткина** Нина Гафиевна — Янгийўл ун заводи ишчиси.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### «ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Темирбоев** Мирзажон — Тошкент 1-ун заводи ишчиси.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Л. БРЕЖНЕВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1981 йил, 14 апрель.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**СССР Министрлар Совети ҳузуридаги микробиология саноати Бош бошқармаси бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида**

**Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

### МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

**Аҳмедов** Дамир — Янгийўл биохимия заводининг катта мастери.

### ҲАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Исоқова** Раҳима — Янгийўл биохимия заводининг аппаратчиси.

### ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Ўсаров** Мурзахол — Янгийўл биохимия заводи аппаратчиси.

### III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Лисаковский** Игорь Георгиевич — Ўрта Осиё ихтисослашган монтаж-созлаш бошқармаси слесарь-монтажчиси.

### «ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Кириллова** Людмила Яковлевна — Янгийўл биохимия заводи катта оператори.

**Толстов** Геннадий Александрович — Янгийўл биохимия заводи қозонлар катта машинисти.

### «МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Данилкина** Нина Алексеевна — Янгийўл биохимия заводи компрессорлар қурилмалари машинисти.

**Маҳкамов** Усмон — Янгийўл биохимия заводи ишчиси.

**Хадирбоева** Раиса Эргашевна — Янгийўл биохимия заводи ишчиси.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Л. БРЕЖНЕВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1981 йил, 6 апрель.



ТОШКЕНТ районидаги Ильич номли колхоз далаларида эртаги сабзавот ва картошка экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунларда хўжаликнинг барча бригада ларида йигим-терим ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Суратларда: колхоз миришкорлари эл дастурхони учун турли сабзавотларни жўнатиш тараддудида.

А. Абалян фотолари.




## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БУДАПЕШТ. Венгрия қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатларидаро қишлоқ хўжалиги мелиорациялаш программасини бажаришга киришдилар. Шу беш йиллик давомида республикада 1 миллион гектардан зиёд майдонда тупроқ — гидрологик шароитни яхшилаш ва ерларни эрозиядан ҳимоя қилиш ишлари олиб борилади.

Бутун программа 15 йил муддатга мўлжалланган бўлиб, 3 миллион гектар ерда амалга оширилади. Бу эса мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик майдонларининг учдан икки қисмини ташкил қилади.

● КУВАЙТ. Саудия Арабистони ва Марокаш Исроил давом эттираётган агрессиясига қарши Сурия билан Ливаннинг олиб бораётган адолатли курашини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини яна билдирдилар. Ҳар иккала томон Исроил босиб олган барча араб территорияларини қайтариб олиш, шунингдек Фаластин араб халқининг Фаластин Озодлик ташкилоти раҳбарлиги остида ўз мустақил давлатини тузиш борасидаги қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш манфаатлари йўлида араб мамлакатларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш зарур эканлигини таъкидлади. Саудия Арабистони ва Марокаш ташқи ишлар министрларининг Ар-Риёдда бўлиб ўтган учрашуви вақтида шу баёнот берилди.

● СОЛСБЕРИ. Зимбабве ташқи ишлар министри У. Мангвенде миллий радио ва телевидение орқали гапириб, озод Африка Намибия халқининг ғалабасини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилиши керак, деди. У курашаётган Намибия халқи билан бирдамлик ҳафталиги бошланганлигини расмий эълон қилди.

● ТОКИО. Япония коммунистларининг даъвати билан Токиода бўлиб ўтган митингда 20 минг киши қатнашди. Митинг иштирокчилари Япония оролларининг Пентагон ядро аслаҳахонасига айлантирилишига қарши норозилик билдирдилар, тинчликни, халқнинг туб ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашни кучайтиришга қатъий қарор бергенликларини айтдилар.

Япония Компартияси Марказий Комитети президиумининг раиси К. Миямото ва ЯКП Марказий Комитети секретариатининг раиси Т. Фува Токио билан Вашингтон ўзаро ҳарбий иттифоқининг мустаҳкамланишига қарши курашда барча демократик кучларни жипслаштириш зарур эканлигини таъкидладилар. Улар мамлакат территориясида Америкаининг ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймасликка чақирдилар.

(ТАСС, 2 июнь).

## ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 1 июнь. (ТАСС). Ўтган якшанба куни Ливан пойтахтининг кўп аҳолиси учун фожиали бўлди. Ўнг христиан қуролли қисмлари билан Ливанда тинчлик сақловчи араб мамлакатларидаро кучлар ўртасида кечаси бошланган отишмалар куннинг иккинчи ярмида Байрутнинг ғарбий секторидаги кўп аҳоли яшайдиган районларида давом этди. Тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бор: 18 киши ўлдирилди ва 300 га яқин киши жароҳатланди. Бир қанча жойда «катта ёнғин бошланиб, биноларнинг талайгина қисми вайрон бўлди.

Кечки пайтга бориб, тўқнашувлар бир мунча камайди ва ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим тузилди. Аммо айрим жойлардаги отишмалар тунда ҳам давом этди.

Ливаннинг жанубида ҳам вазият кескинлигича қолмоқда. Сепаратчилар қўлга олган зонада жойлашган Исроил артиллерияси Ливаннинг жанубидаги Набатия шаҳрини, аҳоли яшайдиган Арнун, Ҳаббуш, Араб Салим пунктларини ва бошқа пунктларни тўпга тутди.

Фаластин қаршилик ҳаракати отрядлари ва Ливан миллий ватанпарвар кучлари бирлашган кўмондонлигининг хабар беришича, Тель-Авив сепаратчилар зонасида жойлашган 65 қишлоқни назорат қилиб турибди.

Исроил ҳарбий тайёргарлик кўриш билан бир вақтда агрессорнинг самолётлари иввогарлик мақсадида парвоз қилмоқда. Бу самолётлар мамлакат осмонига бир неча бор бостириб кирди. Исроил ҳарбий денгиз кучларининг кемалари Ливан соҳилни бўйлаб сузиб юрибди.

ДАМАШҚ, 1 июнь. (ТАСС). «Ал-Баас» газетасининг Америкаининг позицияси тўғрисидаги ҳақиқат» деган сарлавҳа остида сиёсий шарҳларни босиб чиқарди. Бу шарҳлар АҚШ президентининг махсус вакили Ф. Хабибнинг Яқин Шарқдаги ишларига таалуқлидир.

Ғарбнинг, сионистларнинг матбуот органлари ва бошқа баъзи матбуот органлари Америка вакили Ҳабибнинг ҳатти-ҳаракатлари региондаги янги урушнинг олдини олиш мақсадини кўзда тутди, деган фикрни илгари сурадилар. Улар ана шу миссиянинг тўхтатилиши гўё урушнинг бошланишидан далолат беради, деб талқин қилмоқдалар. Ана шундай пропаганда кампанияси АҚШнинг Яқин Шарқдаги ҳақиқий ролини — вайрон қилиш ва гиж-гижлатиш ролини сохталаштиришга қаратилган. Вашингтон регионни уруш гирдобига ташлашга уриниб, эҳтимол тутилган можарода «бетараф воситачи» ролини ўз зиммасига олмоқчи бўлади. Айни вақтда АҚШ Исроил билан биргаликда арабларга қарши агрессия қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

«Ал-Баас» яна қуйидагиларни ёзади: Хабиб Исроилнинг уруш бошлашига халақит беришдан кўра, фурсатдан ютиш ва ўзгарган вазиятга мувофиқ «регионда Америка ишларини тартибга солиш»ни ўз олдига вазифа қилиб қўйганлиги ҳаммага маълум. АҚШнинг асл ниятлари арабларга душманликдан иборат бўлиб, Вашингтон Исроилни агрессия қилишга ундамоқда.

## БАНГЛАДЕШДАГИ АҲВОЛ

ДАККА, 1 июнь. (ТАСС). Бангладеш радиосининг хабар қилишича, Бангладеш президенти Зиёвур Раҳмонни ўлдиришга даҳлдор бўлган исёнчи ҳарбий қисмлар қўлида икки кунгача бўлиб келган Читтагонгда ҳукумат қўшинлари назорат ўрнатдилар. Ҳукуматга қарши исёнга бошчилик қилган генерал-майор Аҳмад Манзур бугун Читтагонгдан 50 километр шимоли-шарқдаги тоғли Фатичкара районида қўлга туширилди. Шаҳардаги турмуш тўла-тўкис нормаллашди.

Бангладеш қуролли кучлари турларининг кўмондонлари радио орқали солдат ва офицерларга мурожаат қилиб, сергак бўлиб туришга ва интизомга риоя қилишга чақирдилар.

Бангладешда президентнинг фожиона ҳалокати муносабати билан 40 кунлик мотам эълон қилинди.


ДЕҲЛИ, 1 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг вакили расмий баёнот бериб, Ҳиндистоннинг Бангладешдаги сўнгги воқеага алоқадорлиги тўғрисидаги ҳар қандай даъволар ва уйдирмалар «қасддан тўқилган туҳмат» деб таъкидлади. «Бу воқеаларга бирон-бир ҳинд унсурларининг бевосита ёки бавосита жалб этилганлиги тўғрисида мутлақо ҳеч қандай масала туғилмайди»,— дейилади баёнотда.

Бу ерда хабар қилишларича, Бангладешдаги воқеалар муносабати билан Ҳиндистон—Бангладеш чегараси ёпиб қўйилди ва ҳинд кемаларининг Читтагонг портига киришига тақиқланди. Бангладешдаги воқеалар авж олган пайтда чегарадаги ҳинд қўшинлари шай ҳолатга келтириб қўйилган эди.

Илгари хабар қилингенидек, исёнчиларнинг Читтагонгда босиб олинган радиостанциядан берган дастлабки эшиттиришларидан бирида З. Раҳмоннинг ўлимидан сўнг Бангладеш билан Ҳиндистон ўртасида 1972 йилда тузилган дўстлик, ҳамкорлик ва тинчлик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши тўхтатилади, деб эълон қилинган эди.

Маҳаллий матбуот ва ғарб ахборот агентликларининг, жумладан, Франс-Пресс агентлигининг мухбирлари шу муносабат билан исёнга бошчилик қилган ҳамда президент Зиёур Раҳмоннинг ўлимига дахлдор бўлган Читтагонг ҳарбий округининг қўмондони генерал-майор Аҳмад Манзур Бангладешнинг ҳарбий доираларида кучли хитойпарастлик кайфиятлари билан маълум бўлган киши эканини таъкидламоқдалар.

Ҳинд газеталари Бангладешнинг асосчиси Мужибур Раҳмоннинг қотилларидан бири, ҳозир қаердадир яшариб ётган майор Далимнинг Зиёур Раҳмон ўлимига муайян алоқаси борлиги тўғрисидаги хабарларга ҳам эътиборни қаратмоқдалар.



## РАЗИЛОНА ҚОТИЛЛИК

БРЮССЕЛЬ, 1 июнь. (ТАСС). Фаластин Озодлик ташкилотининг Бельгиядаги вакили Наим Ҳадар бугун Брюссель кўчасида тўппончадан бешта ўқ узиб ўлдирилди.

Фаластин Озодлик ташкилоти Брюсселдаги бюросининг бу ерда тарқатилган баёнотида айтилишича, Н. Ҳадарни Исроилнинг махфий маҳкамалари ўлдирганлигига шубҳа йўқ. Ҳужжатда дунёнинг барча эрксевар демократ кучларига мурожаат этилиб, сионистларнинг навбатдаги жиноятини кескин қоралашга ва фаластинлик араб халқининг Исроил агрессиясига қарши одилона курашини актив қўллаб-қувватлашга даъват этилади.

Н. Ҳадарнинг разилона ўлдирилиши таниқли фаластинлик арбобларга ва бошқа араб арбобларига қарши Ғарбий Европа мамлакатларида қилинган мана шу тусдаги биринчи жиноят эмас. Парижнинг бир ўзида кейинги бир неча йилда фалестиннинг беш вакили ўлдирилди. Улар орасида Аззилдин Калак билан Маҳмуд Солихлар бор. 1978 йил январида Лондонда Фалестиннинг таниқли арбоби Саид Ҳамамий ўлдирилган эди.

Шу йил май ойида француз полицияси қамоққа олган уч исроиллик Суриянинг авиация компаниясининг Париждаги бюросига безориларча ҳужум қилганликларига иқрор бўлди. Қамоққа олинган террорчилар ўзини «Пессаҳ» деб атовчи группанинг аъзоларидир.

**66 кунлик очликдан сўнг Лонг Кеш концлагерида вафот этган. Буюк Британия парламентининг депутати, 27 ёшлик Роберт Сэндснинг номи Шимолий Ирландияда инсон ҳуқуқи учун курашнинг рамзига айланиб қолди. Белфастликлар унинг ўлимини эшитиб, кўчага чиқдилар. Шаҳарда баррикадалар пайдо бўлди. Полициячилар билан кескин курашлар бўлиб ўтди. Суратда: Белфаст кўчаларида.**

**АПН—ТАСС телефотоси.**

МАОРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

# ҚУТЛУҒ ИЗ

Йиллар босиб ўтилган умр йўлининг пиллапояларига ўхшайди. Уларнинг ҳар бири хотирласа арзигудек беқиёс воқеаларга бой. Муҳаррам мактабда ўқиб юрган чоғларида бадиий китобларга ихлос қўйди. У шеърлар, кичик-кичик ҳикояларни ёддан айтар, эртакларни жонли қилиб сўзлай олар эди. Бу ҳавас кейинчалик унда ўқитувчи бўлиш орзусини туғдирди ва ёш қизчани 1942 йилда Тошкентдаги Ленин номли педагогика техникумига етаклади. Бу ўқув юртида М. Мирсоатова ўқитувчиликнинг машаққатли, аммо шарафли касб эканлигини ҳис этди. Мураббий фақат дарсларнигина пухта билиб қолмасдан, ўз талабаларига кўнглини кенг оча оладиган, иродали, меҳрибон, сезгир ва талабчан бўлиши ҳам кераклигини тушунди. Ўзида ана шундай ҳислатларни мужассамлантиришга интилди.

Муҳаррам техникумни аъло баҳолар билан тугаллаб Низомий номли педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида билим олишни давом эттирди. Беш йилдан сўнг эса олий ўқув юрти ўз талабасини мустақил ҳаётга кузатар экан, унга Қашқадарё областига йўлланма берди. 1949 йилнинг ёзида Яккабоғ районидаги лой томли, деворлари нураб қолган, пастқамгина мактабнинг олти нафардан иборат ўқитувчиси юпунгина кийинган, аммо қалби маърифат тарқатиш иштиёқи билан жўшураётган зиёкорни самимий қарши олди. Бу бежиз эмас эди. Муҳаррам ўша йилларда фақат биринчи мактабдагина эмас, бутун Яккабоғ районида ҳам саноқли ҳисобланган олий маълумотли педагоглардан бири ҳисобланарди.

Болаларга тўла билим бериш учун мактабда деярли шароит йўқ эди. Дарсликлар камчилиги, бошқа ўқув қуролларининг етишмаслиги катта қийинчилик туғдирарди. М. Мирсоатова бу машаққатлар олдида руҳан тушмади. У болаларга меҳр қўйди. Дарсдан ташқари бўш вақтларини ҳам маърифатга бағишлади. Кечқурунлари колхозчиларни ўқитди. Шу тариқа обрў қозониб борди. У Яккабоғда лектор, агитатор сифатида ҳам яхши танилди. Кейинчалик тақдир Муҳаррамни яна Тошкентга етаклади. М. Мирсоатова бу азим шаҳрнинг Фрунзе районидаги 144-мактабда ўз касбини давом эттириб келмоқда. Унинг тажрибаси ва маҳорати йилдан-йилга ортиб бораётир.

Педагог бу ерда Зўлфия Жалилова, Раъно Қорабоева, Мунаввар Мўминова, Гуломжон Эшонхўжаев каби ёш ўқитувчиларга мураббийлик қилиб катта ҳурматга эришди. Опанинг она тили ва адабиёт бўйича метод бирлашма бошлиги сифатида амалга оширган ишлари ҳам эътиборга лойиқ. У ҳамиша мактаб маъмуриятига ўтилаётган дарслар савиясини кўтариш, давоматни яхшилашда ўзининг ҳамкасблари: илмий бўлим мудири Бўрихўжа Алимов, педагоглар — Аширой Мамарасулова, Тамара Мирзаева, Роза Каримова, Гавҳар Тимуровалар билан бирга сидқидилдан ишламоқда.

— Муҳаррам Шонсломовна бир неча бор район Советига депутат қилиб сайланганлар,— дейди мактаб директори Рауф Аллабердин, — ўша йиллар ичида она болалар боғчалари ишини яхшилаш, кўчаларни ободонлаштириш, турар-жой фондларини намунали асраш борасида қатор топшириқларни бажарди.

М. Мирсоатова истеъдодли устоз, актив жамоатчигина бўлиб қолмай, меҳрибон она сифатида ҳам эъзозга сазовор. Унинг ўғил-қизлари, келинлари турли касбларда сидқидиллик билан ишламоқдалар.

Умрининг ўттиз уч йилини маърифатга бағишлаган Муҳаррам Шонсломовна педагогика соҳасида нурли издан бормоқда. Яқинда мактаб коллективи пенсия ёшига етганлиги муносабати билан опани муборакбод этди. Шу куни унинг собиқ талабалари — ТошДУ Шарқ факультетининг доценти Х. Йўлдошев, университет журналистика факультети қафедрасининг мудири А. Каримов, халқ хўжалиги институти ўқитувчилари А. Ражабов, У. Абдуваҳобовлар ҳам ўз мураббийларини қизғин табриқладилар. Бу қутловлар Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси М. Мирсоатовага педагогиканинг машаққатли йўлида янги куч ва ғайрат бахш этди.

С. ҲАСАНОВ.


# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

*ЎРТА ҲУНАР—ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА*

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳозир Сизларнинг олдингизда қатъий бир масала кўндаланг турибди: «Келажакда қандай йўл танлаш керак?», «Қаерга ўқишга бориш керак?», «Қандай касб танлаш керак?», «Ҳаётдаги ўз ўрнингни қандай топиш керак?». Бу саволларга Сиз Тошкент шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларига ташриф буюргач, жавоб олишингиз мумкин.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

Шаҳримизда 51 та ҳунар-техника билим юртлари мавжуд бўлиб, уларда 125 хил касб бўйича 35000 киши таълим олмоқда.

ҚУНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ТЕМИР ЙЎЛДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

Метрополитен учун: электр ускуналари ремонти бўйича электрослесарь, станция навбатчилари, экскаватор машинисти, тортиш подстанцияларининг электромонтёри, электромонтёр, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, слесарь-сантехник;

темир йўл учун: тепловоз машинисти (10 класс ҳажмида маълумоти бўлган Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади); тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти, электромонтёр, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, товар билети ва багаж кассири, багаж ва юк қабул қилиб топширувчи.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ўқиш муддати—1—3 йил.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқиганлар билим юртини тамомлаганларидан сўнг ўрта ҳунар-техника маълумоти тўғрисида диплом оладилар ҳамда давлат томонидан нийм-кечак, уч маҳал овқат билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумотлилар олти ой стипендия оладилар ва тепловоз машинисти группасида ўқувчиларга 72 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга малакали мутахассислар маошининг 50 процентигача ҳажмида пул мукофоти берилади.

Ҳамма ўқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг иш билан таъминланадилар ва уларга темир йўлчиларга берилган имтиёзлар берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига кириш имтиҳонисиз ўқишга юборилади.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 2-Юхунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар; 18, 54-автобуслар; 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Киров номли парк» бекати). Телефон: 53-43-52.

158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти Тошкент шаҳридаги қурилишларда ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: бўёқчи (қурувчи), дурадгор (қурувчи). Ўқиш муддати—3 йил; электр пайвандчи, бадиий безаш бўйича бўёқчи, сувоқчи-пардозловчи-кошиннкор, дурадгор-паркетчи. Ўқиш муддати—1 ва 3 йил.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БУЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати—1 йил. 45 сўм стипендия тўланади. Ўқишга кирганлар уч маҳал бепул овқат билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар;

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати—3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ўрта маълумот оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрига пропискага ўтказиладилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Аризалар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй (64, 65-автобуслар, 1, 2, 4, 6, 7, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Ҳадра» бекати).

5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ, 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БУЛГАНЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАРГА ТАЙЁРЛАШ УЧУН УҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Эрканлар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористлар, аёллар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористлар, аёллар ва болалар енгил кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористлар, тикув буюмлари контролёри.

8-синф ҳажмида маълумот билан кирган ўқувчилар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот ва ихтисос оладилар, кийим-кечак ва бепул овқат билан таъминланадилар: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил, ойига 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртида «Қизил чиннигул» комсомол-ёшлар клуби тузилган бўлиб, техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида машғулотлар ўтказилади.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар тайёрлов Советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга тавсия қилинадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 8, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 3, 13, 45, 50, 54, 57, 58, 80-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефон: 53-36-45.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси базасидаги

128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: 8-синф ҳажмида маълумотлилар (ўқиш муддати— 3 йил)—ҳаранатдаги трамвай ва троллейбус составн ремонти бўйича слесарь, тортиш подстанциялари диспетчери, автослесарь, трамвай ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратуралари ремонти бўйича слесарь-электрик, электромеханика ва радиотехника системаларининг монтажчиси;

ўрта ҳажмда маълумоти бўлганлар (ўқиш муддати—10 ой)—трамвай вагонларини ҳайдовчи, троллейбус ҳайдовчи, автослесарь, контактли ва кабелли тармоқлардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, электромеханика ва радиотехника системаларн монтажчиси;

Қуролли Кучлар сафидан запасга бўшатилган йигитлар, ҳамда 17,5 ёшдан катта ёшдаги қизлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати қуйидагича: трамвай ҳайдовчи—5 ой, троллейбус ҳайдовчи—6 ой, стипендия—75 сўм.

МАШҒУЛОТЛАР—ЎҚУВ ГРУППАЛАРИ КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Бошқа нагеторидаги ўқувчилар учун машғулотлар—1 сентябрдан бошланади.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ўқиш даврида давлат томонидан таъминланадилар ва ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 33 процентини оладилар. Ўрта маълумотли ўқувчилар 30 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар шаҳар электр транспорти ходимларига берилган имтиёзлардан фойдаланадилар, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточний кўчаси (3 «а»-уй (1, 17 «а», 69-автобуслар; 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг (Красновосточное депо» бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» базасидаги

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошиннкор, электрн-газ пайвандчи. Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади; ўқиш муддати 1 йил бўлган группаларда: дурадгор, паркет ётқизувчи, пардозловчи, электр пайвандчи, нонвейер линиялари ускуналарида пультни бошқарувчи оператор. 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Тошкентга пропискага ўтказиладилар.

Техника-билим юрти ўқувчилари ўқиш даврида уч маҳал бепул овқат, байрамларда ва ишга кийиладиган кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентн ҳажмида мукофот пули оладилар.

Бир йил ўқийдиган ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Билим юртини аъло баҳоларда тамомлаганлар олий ўқув юртларига йўлланма оладилар ва имтиёзли равишда ўқишга кирадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, вокаль-чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари, спорт секциялари ишлаб туради.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Зеленый базар» бекати, 1, 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати). Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танлаган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий мажбуриятдаги йигитлар), ёш ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахсий делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиғи ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.


ПИОНЕР ЕЗИ

# ЙИҒАБ ҚУВНАНГ, БОЛАЛАР

**Умумий таълим мактабларида ўқув йили ниҳоясига етиб, қувноқ пионер ёзи бошланди. Кўплаб ўқувчилар каникул кунларини сўлим табиат қўйнида ўтказадилар. Областимизнинг ҳушманзара жойларидаги пионер лагерлари ўқувчиларга ўз бағрини очади. Яна тоғ ва боғлар бағридан пионер горни садолари янграйди.**

**Областимиздаги пионер лагерлари бу йилги дам олиш мавсумига қандай ҳозирлик кўрди? Махсус мухбиримиз З. МУҲАММАДЖОНОВ шу савол билан область касаба союзлари Советининг маданий-оммавий ишлар бўлими инструктори Нина Алексеевна ЛОПАТЮКга мурожаат қилди.**

— Партия ва ҳукуматимиз ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ўсиши учун барча шарт-шароитни яратиб бераётир. Буни 1981 йилда пионер ёзини уюштириш учун давлат капитал страховонисн ва касаба союзлар бюджетидан 4 миллион 700 минг сўм ажратилганлигидан ҳам яққол ҳис қилиш мумкин.

Пионер ёзига тайёргарликни бу мавсумда ҳар қачонгидан ҳам барвақт бошлаб юбордик. Шу йил 25 апрелдан бошлаб пионер лагерларини мавсумга ҳозирлаш Бутуниттифоқ ойлиги ўтказилди. Ойлик давомида биз мавжуд лагерларга бошлиқлар ва бош пионер вожатийларни танладик. Оржоникидзе районидаги «Қибрай» дам олиш уйида улар билан махсус машғулотлар ўтказилди. 12 кун давом этган семинарда қатнашаётганлар илғор тажрибаларни ўртоқлашдилар, ўзаро фикр алмашишди. Айни кунларда тарбиячилар, отряд вожатийлар ҳамда ҳамшираларни танлаш ва жойжойига қўйиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди.

Бу йилги мавсумда областимизнинг ҳушманзара ва тоғлик зоналарида 100 та пионер лагери фаолият кўрсатади. Мавсум давомида бу ерда 90 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари ҳордиқ чиқаради. 23 соғломлаштирши лагерларида эса ёшлар ўз соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Шунингдек, 15 ҳарбий спорт лагерларида ёшлар ўз вақтларини ҳушчақчақ ўтказишади. 36 лагерда эса ёшлар дам олиш билан бирга меҳнатга кўникма ҳосил қилишади. Улар ён атрофдаги колхоз ва совхозларга чиқиб, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига яқиндан ёрдам берадилар.

Янги лагерь қурилишлари ҳам кўзда тутилаётир. Жумладан, «Миконд» заводи ҳар сменада 230 ўқувчини, «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса ҳар сменада 130 ўқувчини қабул қила оладиган пионер лагерлари қуриб ишга туширади.

Мавжуд дам олиш масканларида жорий ва капитал ремонт ишлари, кўналамзорлаштириш ва ободонлаштириш ниҳоясига етказилди. Янги боғ-роғлар ташкил этилди. Спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари тайёрланди. Бу ишлар, айниқса, Бўстонлик районидаги «СССР 50 йиллиги», «Мир», «Дорожник», «Гулистон», «Оқтош» пионер лагерларида уюшқоқлик билан амалга оширилди.

Ҳозирданоқ дам олувчилар вақтини қизиқарли ўтказиш учун бир қатор тадбирлар белгилаб қўйилди. Бу тадбирларда КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартияси XX съездлари қарорларини, Москвада бўлиб ўтган пионерлар слёти материалларини ўрганиш, уруш ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиш, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг зона кўрикларини уюштириш, лагерлараро спартакиадалар ташкил этиш ва ГТО нормаларини топшириш кўзда тутилади. Шунингдек, пионерлар турли экскурсия ва походларда бўладилар. Ўлкамизнинг бой табиат манзараси билан танишадилар.

Бир сўз билан айтганда, пионер ёзини соз ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ёшларнинг белгиланган тартиб — қоидаларга қатъий риоя қилишлари, турли тадбирлар уюштиришдаги шахсий ташаббуслари, сўзсиз, дам олишнинг янада мазмунли бўлишини таъминлайди.



Қўлида гул тутиб жажжи қизалоқ,
Севинчин оламга ёйсам дер бешак.
Тўлиқ бахтидандир кўзлари порлоқ,
У йиғаб кулади, кулар келажак.

ТАСС фотоси.

МАҲОРАТ ҲАҚИДА

СУҲБАТ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти журналист маҳоратига бағишланди. Унда газета редакторининг ўринбосари Р. Умаров «Журналистика ва ҳаёт» деган мавзуда суҳбат ўтказиб, ишчи мухбирларнинг хабар, корреспонденция, репортаж ва лавҳалар учун факт олиш ва уни ёзиш маҳорати ҳақида гапириб берди.

Журналист суҳбати тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

## „ЎЗБЕК СОВЕТ ҲАРБИЙ ПРОЗАСИ“


Улуғ Ватан уруши йилларида халқимиз кўрсатган мислсиз жасорат ва қаҳрамонлик мавзуси ўзбек совет адабиётининг намоёндалари ижодида ҳамиша муҳим ўринни ишғол қилиб келмоқда. Айниқса, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ш. Рашидов, Н. Сафаров, И. Раҳим, Р. Файзий, С. Аҳмад, Ҳ. Ғулом, О. Еқубов, Шуҳрат, В. Ғафуров каби таниқли адибларнинг бадиий асарларида, М. Исмоилий, М. Муҳамедов, А. Раҳмат, Назармат, А. Ҳамдам, Ҳ. Тожибоев сингари ёзувчи ва журналистларнинг публицистикасида халқимизнинг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссаси, ўзбек баҳодирларининг оловли жанггоҳлардаги мардлик ва матонати чексиз меҳр-муҳаббат билан ҳикоя қилинади.

Ўзбек жангномасининг яратилишида умумий тараққиёт йўналишлари нималардан иборат? Ҳарбий прозамизнинг ўзига хос хусусиятлари ва назарий аспектлари қандай намоён бўлади? Филология фанлари кандидати Норқул Бекмирзаевнинг Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти томонидан яқинда чоп этилган «Ўзбек совет ҳарбий прозаси» номли рисоласи ана шу каби масалаларни ўрганишга бағишланган.

Муаллиф ўз китобчасига номи тилга олинган адибларнинг ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги прозаик асарларини асос қилиб олиб, уларда ҳужжатлилик, бадиий тўқима ва характер яратиш, жанр ва услуб рангбаранглиги хусусидаги кузатишлари билан ўртоқлашади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу рисола ўзбек жангномасини яратган адиб ва журналистларнинг маҳоратини тадқиқ этишга бағишланган дастлабки изланишлардан бири эканлиги билан характерланади.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Енгил атлетика кўпкураши бўйича СССР кубогининг ярим финал мусобақалари «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтди. Суратда: мусобақа лардан кадрлар.

Тошкентда — Марказий Л. Гусеинов фотолари.

## МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

▲ КАМОНДАН ОТИШ

ПОЙТАХТДАГИ Марказий «Пахтакор» стадионида камондан отиш бўйича республика шахсий команда чемпионати бўлиб ўтди. Кўнгилли спорт жамиятларининг 60 нафар мергани ўзаро куч синашдилар. Команда ҳисобида пойтахт армиячилари биринчи, «Спартак» иккинчи, «Пахтакор» командаси учинчи ўринни эгалладилар. Аёллар баҳсида пахтакорчи Б. Чеку республика чемпиони бўлди. Т. Форсюк ва А. Усмонова [СКА] Тошкент иккинчи-учинчи ўринга кўтарилдилар. Яна бир пахтакорчи М. Чекос эса эркаклар мусобақасида ғолиб бўлди.

▲ РЕГБИ

КЕЧА Тошкентда регби бўйича биринчи лига командаларининг СССР чемпионати мусобақаларига старт берилди. Унда республикамиз спорт шарафини Тошкентнинг «Космос» коллективи ҳимоя қилади. Вакилларимиз ўз майдонларида Ереван, Қозон, Новокузнецк, Москва ва Ленинград шаҳарларининг командалари билан учрашадилар. Мусобақалар 10 июнга қадар давом этади.

▲ ФУТБОЛ

Жиззахнинг «Бўстон» командаси бу йилги мавсумда ўз мухлисларини қувонтира олмаяпти. Ўтган куни қўриқ области футболчилари ўз майдонларида Қутаисининг «Торпедо» коллективини қабул қилиб, 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

▲ ШАХМАТ

Республикамиз шахматчилари Москвада бўлиб ўтган СССР чемпионатида умумий ўнинчи ўринни эгалладилар. Терма командамиз сафида иштирок этган чирчиқлик ёш шахматчи Сергей Загребельнийнинг маҳоратига кўпчилик тан берди. У бундай йирик мусобақаларда биринчи марта иштирок этаётганига қарамай, икки гроссмейстерни мағлуб этди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.45 — Штраус оиласи. Бадиий фильм, 2-серия. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Рус тили. 16.50 — Рақс менинг ҳаётим. 17.20 — Горнчилар, қаердасиз! 17.50 — Баскетбол бўйича Европа чемпионати. 18.30 — Овозлар ва бўёқлар. 19.00 — Расмларда кўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Штраус оиласи. Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тб)—«Торпедо», «Спартак» — «Шахтёр». Танаффусда дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.10 —Ёшлик. 18.20—Мультфильм. 18.30 — Ота-оналар университети. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —АСК (Ростов-Дон). Танаффус пайтида ахборот. 20.45—Ахборот. 21.05 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.00—Ўзбекистон. 1981 йил қўшиқлари. 23.20 — Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.40—Болалар учун фильмлар. 19.00 — Назарий механика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Паркент райони чорвадорлари ҳузурида. 20.50 — Реклама. 21.05 — Физика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/VI да **Келинлар кўзғолони**, 4/VI да **Кузнинг биринчи куни**, 5/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/VI да **Катта концерт**, 4/VI да — **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 5/VI да **Гулсара.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3/VI да **Янги программа** — КУЛГИ КЕЧАСИ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари -335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; ишлаб чиқариш — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 02033. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1617. 11